# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 26 январь, № 20 (8643) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУСЛАР – МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ИФОДАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 23 — 25 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**





Давлатимиз раҳбари 25 январь куни Шэньчжэнь шаҳрида Гуандун музофоти партия қўмитаси котиби Хуан Куньмин билан учрашув ўтказди.

Гуандун — Хитойнинг энг ривожланган ҳудудларидан бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизини шакллантиради ва бу кўрсаткич бўйича етакчилик қилади. Музофот Ўзбекистон ҳудудларининг энг йирик иқтисодий шеригидир.

Учрашувда музофот билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни, энг аввало, юқори технологик тармоқларда кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Музофот ҳудудида жойлашган "Huawei", "BYD", "ZTE" ва бошқа илғор компаниялар билан ҳамкорликни ривожлантиришдан Ўзбекистон манфаатдорлиги қайд этилди.

Гуманитар алоқалар ва ишбилармонлик алмашинувларини фаоллаштириш мақсадида IT таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш ва тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифининг ишбилармонлик тадбирлари давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Гуандун музофоти Хитой йирик бизнесининг 600 нафардан зиёд вакилларини тўплади. Хитойнинг Миллий нефть-газ корпорацияси, Миллий кимё-инжиниринг компанияси, Аэрокосмик илмий-саноат корпорацияси, "China Energy", "Gezhouba Group", "China CAMC Engineering", "Huawei Technologies", "SANY Renewable Energy", "BYD Auto Industry", "Xinjiang Hualing Group", "ZTE", "TBEA", "Universal Energy" компаниялари, Хитой тараққиёт банки, Давлат тараққиёт банки, Экспорт-импорт банки шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари форумни очар экан, барча иштирокчиларни самимий қутлади ва тадбир ҳақли равишда Хитойнинг инновациялар пойтахти ҳисобланган Шэньчжэнь шаҳрида ўтказилаётганида ўзига хос рамзий маъно мужассам эканини таъкидлади.

Қабул қилинган тарихий ҳужжат — Ўзбекистон — Хитой муносабатларини барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига олиб чиқадиган давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти ҳам бунга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал суръатда ўсиб, кенг кўлам касб этаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми икки баробар кўпайиб, 2023 йилда рекорд кўрсаткич — 14 миллиард долларга етди. Давлатимиз раҳбари яқин йилларда, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кенгайтириш, айрим турдаги маҳсулотлар бўйича имтиёзли савдони йўлга қўйиш тўғрисида ҳукуматлараро янги битим тузиш орқали бу кўрсаткични 20 миллиард долларга етказиш учун имконият борлигини яна бир бор қайд этди.

Хитойнинг Ўзбекистонга киритган умумий инвестициялари ҳажми 14 миллиард доллардан ошди. Хитой сармояси иштирокидаги корхоналар сони уч баробар кўпайди.

Давлатимиз раҳбари яқинда Урумчида ўтган ҳудудлараро форум ва саноат маҳсулотлари кўргазмасида муҳим инвестиция келишувлари имзоланганини юқори баҳолади.

Ўзбекистон томони ушбу ишбилармонлик платформасига тизимли тус бериш ва навбатдаги форумни юртимизда ўтказишга тайёрлиги билдирилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари доимий фаолият юритадиган икки мамлакат ҳудудлари кенгашини ташкил этиш бўйича режаларни олқишлади.

Маълумки, янги Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор механизмларини жорий қилиш бўйича таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Юқори технологик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилган. Шу ойдан бошлаб "саноат ипотекаси" ишга туширилмоқда, бунда ер ва ишлаб чиқариш майдонлари "тайёр бизнес" шаклида инвесторларга берилади.

Йирик банклар, саноат ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларни янги лойиҳа ва ташаббусларни илгари суришга сафарбар этиш муҳимлигини қайд этиб, давлатимиз раҳбари келгуси ҳамкорликнинг устувор ва истиқболли йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Булар — инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларига Хитой молия институтлари маблағларини жалб қилишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилган ҳолда ушбу мамлакат компаниялари билан шерикликни кенгайтириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида, шу жумладан, стратегик хомашёни чуқур қайта ишлашда саноат кооперациясини ривожлантириш.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигини барқарор юритишда Хитойнинг илғор технологияларини жалб қилиш ҳамда ерларни қайта тиклаш ва тузга чидамли ўсимликларни экиш бўйича илмий ёндашувларини жорий қилиш.

"Яшил" энергетикада стратегик шерикликни янада илгари суриш ва Хитой компанияларининг хусусийлаштириш дастурида иштирок этиши ҳам муҳим йўналишлар сифатида қайд этилди.

Шу муносабат билан инвестиция лойиҳалари портфелини, инфратузилма ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастурларини кенгайтириш бўйича хитойлик шериклар билан келишувларга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.





Куни кеча ХХР Раиси Си Цзиньпин билан сермаҳсул музокаралар ўтказилгани, улар доирасида ҳудудлараро алоқаларни янада кенгайтириш масаласи қўллаб-қувватлангани мамнуният билан қайд этилди.

Саноат кооперациясини чуқурлаштириш, шу жумладан, Гуандуннинг етакчи компаниялари учун мамлакатимиз ҳудудларида ихтисослаштирилган юқори технологик парклар ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

24 январь куни бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувда ташкил этилиши келишиб олинган Ўзбекистон ва Хитой ҳудудлари кенгаши фаолиятида Гуандун муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

партия қўмитаси котиби Хуан Куньмин билан биргаликда Шэньчжэнь шаҳрида ўтаётган қўшма Инвестиция форумида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил май ойида Хитойга давлат ташрифи доирасида ҳам ушбу мамлакат ишбилармон, молия ва инвестиция доираларининг етакчи вакиллари билан учрашувлар ўтказган эди. Ўшанда эришилган муҳим келишувлар икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикликни янада кенгайтирди.

Бугунги инвестиция форуми самарали мулоқотнинг давоми бўлиб, икки мамлакат идоралари ва ҳудудлари раҳбарларини,

— Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли ва ўзаро манфаатли муносабатлар, биринчи навбатда, иқтисодий ҳамкорлик алоқаларидан куч олади, — деди Президент.

Куни кеча ХХР Раиси Си Цзиньпин билан самарали музокаралар ўтказилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Эришилган натижалардан бири мамлакатларимиз бизнес вакиллари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай шароитлар яратиш бўйича келишувлар бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУСЛАР — МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ИФОДАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, ташриф давомида Хитойнинг етакчи банклари томонидан лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтириш, Экспорт-импорт банки ваколатхонасини очиш ва Ипак йўли фонди билан биргаликда янги Инвестиция платформасини яратиш бўйича қабул қилинган қарорлар хитойлик ҳамкорларнинг Ўзбекистондаги муваффақиятли фаолиятига кучли суръат бағишлаши таъкидланди.

— Яна бир янгилик. Ҳар бир хитойлик ҳамкорга лойиҳалар бошидан охиригача ҳамроҳлик қилувчи инвестиция менежери тайинланади. Улар компанияларингиз лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишида янги имкониятлар яратишига қатъий ишонамиз, — деди Президент.

Гуандун музофоти партия қўмитаси котиби Хуан Куньмин ҳам форум иштирокчиларига мурожаат қилди. Президентимиз олиб бораётган ортга қайтмас ислоҳотлар сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдириб, Ўзбекистонда очилаётган катта имкониятларни қайд этди ҳамда Хитой бизнесини мамлакатимизда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишда янада фаолроқ иштирок этишга чақирди.

Бизнес форуми якунида энергетика, нефть-газ, тоғ-кон, электротехника, енгил саноат, машинасозлик, инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, таълим, транспорт ва логистика соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳужжатларнинг катта тўплами имзоланди.

"Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, ҳар бир лойиҳага масъул менежерлар бириктирилади.

Якунда Ўзбекистон Президенти ушбу Гуандун инвестиция форумини ҳар йили ташкил этиш ташаббусини илгари суриб, унинг навбатдаги учрашувини келгуси йилда Самарқанд шаҳрида ўтказишни таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари Шэньчжэнь шаҳридаги тадбирлар доирасида Ипак йўли фонди раиси Чжу Цзюнь билан учрашув ўтказди.

Фонд 2014 йилда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан "Бир макон, бир йўл" лойиҳаси доирасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган.

Учрашувда саноат кооперацияси ва инфратузилмани ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш учун фонд билан биргаликда яратилган инвестиция платформаси имкониятларини фаол ишга солиш орқали истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги режалар кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев "SANY" компанияси директорлар кенгаши раиси Сян Вэньбони қабул қилди.

"SANY" шамол турбиналарини ишлаб чиқарувчи дунёнинг етакчи 10 та компанияси қаторига киради. Шамол энергетикаси қурилмаларини ишлаб чиқариш ва сотишга, шамол электр станцияларини лойиҳалаштириш, қуриш, ишлатиш ва бошқаришга ихтисослаштирилган.

Учрашувда компаниянинг Қорақалпоғистон Республикасида шамол электр станциясини барпо этиш, шамол турбиналарининг бутловчи қисмларини, қурилиш ва оғир юк техникасини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш режалари қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга эришилган келишувлар амалга оширилишини жадаллаштириш бўйича алоҳида "Йўл харитаси"ни қабул қилишга топшириқ берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шэньчжэнь шаҳрига ташрифи доирасидаги навбатдаги учрашув "CSG" компанияси директорлар кенгаши раиси Мэн Чжэньпин билан бўлди.

Хитойнинг электр тармоқлари соҳасидаги етакчи компанияларидан бири "CSG" тармоқларни қуриш ва бошқаришга ихтисослаштирилган. Компаниянинг бозор капиталлашуви 60 миллиард долларни ташкил этади.

Учрашувда истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Хитой компанияси иштирокида лойиҳалаштириш ва инжиниринг бўйича замонавий тизимларни, энергетик хавфсизликни таъминлаш ва энергия тармоқларида йўқотишларни камайтириш бўйича юксак стандартларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат ташрифининг ишбилармонлик дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шэньчжэнь шаҳрида Хитойнинг етакчи "BYD" компанияси бош қароргоҳи ва технологиялар марказига ташриф буюрди.

Ушбу компания замонавий инновацион автомобиллар ва янги авлод аккумулятор батареяларини ишлаб чиқариш соҳасида глобал пешқадамдир.

Ташриф чоғида компания ютуқларига бағишланган кўргазма, автомобиллар ва бошқа турдаги техникаларнинг ишлаб чиқарилаётган ва истиқболли моделлари, компаниянинг янги технологиялари ва илғор ишланмалари намойиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари компания президенти Ван Чуаньфу билан бирга Жиззах вилоятида йилига 50 минг дона гибрид ва электр автомобилларни йиғиш бўйича лойиҳани ишга туширишга бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Президентимиз яқин истиқболда бозордаги талабдан келиб чиқиб моделлар қаторини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватини йилига 300 минг донагача ошириш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Шунингдек, компаниянинг мамлакатимизда "BYD" электр автобусларини йиғишни йўлга қўйиш, эҳтиёт қисмларини маҳаллийлаштириш ва муҳандислик-сервис марказларини ташкил этиш борасидаги режалари қўллаб-қувватланди.

Ташриф чоғида компания Ўзбекистонга 10 мингинчи автомобилини етказиб берганининг рамзи сифатида давлатимиз раҳбарига "YANGWANG U8" автомобили ҳадя қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

Акс садо

## КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

*Бугунги кунда мамлакатимизда янги Ўзбекистон ғояси асосида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ҳамда халқаро миқёсдаги ташаббуслар унинг минтақа ва халқаро ҳамжамиятдаги мавқеи ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, дунёдаги барча давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш, ҳар бир масалани конструктив мулоқот ва тарафлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш янги Ўзбекистоннинг асосий мақсадларидан ҳисобланади.*

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 23 — 25 январь кунлари Хитой Халқ Республикасига амалга оширган давлат ташрифи мисолида ҳам буни кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари ўз ташрифини савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида ХХР Давлат кенгаши Бош вазири билан учрашувдан бошлар экан, бундай мулоқотлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтаришини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Айтиш жоизки, ўтган йилда Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкорига айланди. Мисол учун, товар айирбошлаш ҳажми олдинги йиллардагига нисбатан 50 фоизга ошиб, рекорд даража — 14 миллиард долларга етди. Бу кўрсаткични, жумладан, юқори сифатли саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кўпайтириш ҳисобига 20 миллиард долларга ошириш учун етарли салоҳият мавжуд.

Қолаверса, инфратузилмани модернизациялаш, саноат кооперациясини ва қишлоқ хўжалигида технологиялар трансферини кенгайтириш ва "яшил" энергетикани ривожлантириш бўйича алоҳида ҳамкорлик дастурларини қабул қилиш масалалари муҳим ҳисобланади.

Президентимизнинг ташриф доирасида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Бутунхитой қўмитаси Раиси билан музокаралар ўтказгани икки давлат муносабатлари юқори даражага кўтарилганлигини англатади. Айни чоғда у икки томонлама стратегик шерикликни кенгайтиришда янги босқич бўлди, дейиш учун барча асос бор. Хитойнинг камбағалликни қисқартириш борасидаги тажрибаси ҳам биз учун айни муддаодир.

Учрашув чоғида ўтган йили Ўзбекистонда Хитой маданияти кунлари ўтказилгани ҳамда шу кунларда Пекинда бўлиб ўтаётган Ўзбекистон маданияти кунлари доирасидаги тадбирлар самараси томонлар учун бирдек муҳимлиги ҳам алоҳида урғуланди.

Ишбилармонлик тадбирлари доирасида эса Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти билан музокаралар ўтказилиб, бу халқаро молиявий институт билан стратегик шериклик масалалари кўриб чиқилди.

Қайд этиш керакки, кейинги йилларда мазкур банк билан биргаликда энергетика, сув таъминоти, автомобиль ва темир йўлларни реконструкция қилиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш йўналишларида муҳим лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган таркибий ислоҳотлар доирасида устувор йўналишлардаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича 2026 йилгача мўлжалланган қўшма ҳамкорлик дастури бунинг ёрқин мисолидир.

Бу галги ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг расмий делегациялар аъзолари иштирокидаги олий даражадаги музокараларини келтириш мумкин.

Унда ҳудудлараро алмашинувлар фаоллашган бир вақтда икки давлатни боғлаш масаласи юқори ўринда туриши таъкидланди. Шу муносабат билан "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида трансминтақавий транспорт ва транзит кўпригининг таркибий қисми бўладиган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш борасидаги келишув муҳим қадамдир.

Умуман олганда, Президентимизнинг ХХРга амалга оширган бу галги давлат ташрифи ўзаро ҳамкорликни турли соҳаларда ривожлантириш ҳамда стратегик шериклик алоқаларимизни янги босқичга кўтариши билан янада аҳамиятлидир.

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ АЛОҚАЛАРИ БАРЧА СОҲАДА МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ДАРАЖАГА КЎТАРИЛДИ

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига уч кунлик давлат ташрифи жуда мазмунли ва самарали кечди. Хитой етакчиси Си Цзиньпин, мамлакат раҳбарияти аъзолари, молия институтлари, фондлар ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари билан ўтказилган учрашувлар ва уларнинг натижасида эришилган келишувлар, халқаро экспертларнинг фикрича, икки давлат ўртасидаги муносабатлар фаоллашувида янги босқич бошланганидан далолат беради.*

*Таҳлилчиларнинг айтишича, ушбу жараён Хитойнинг Марказий Осиё минтақаси ва халқаро бирлашмалар билан ўзаро ҳамкорлигига бевосита ижобий таъсир кўрсатади.*



Дунё нигоҳи

**Ҳусрав НОЗИРИЙ,**
**Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) бош котиби:**



— Ташриф доирасидаги икки томонлама тадбирларнинг бой ва мазмунли дастури икки давлат кўп қиррали стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан манфаатдор эканидан далолатдир.

Айниқса, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг юқори суръатлари, шунингдек, расмий Пекиннинг Ўзбекистон билан ИҲТнинг асосий давлати сифатида кўп томонлама шерикликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдорлиги эътиборга молик. Эслатиб ўтамиз, Хитой Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг асосий савдо шериги ҳисобланади.

Ўзбекистон Президентининг Хитойнинг етакчи компаниялари ва банк-молия институтлари раҳбарлари билан ўтказган учрашувлари икки томонлама муносабатларда улкан салоҳият ва ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш, ўзаро сармояларни фаоллаштириш ва савдо ҳажмини ошириш учун истиқболли имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан, Хитой компанияларининг юқори технологиялар, электротехника, саноат, инфратузилма ва энергетика соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишдаги иштироки Ўзбекистоннинг янада ривожланишига хизмат қилишини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон Президентининг Хитойга давлат ташрифи икки ва кўп томонлама шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга, уни мамлакатлар ва минтақалар фаровонлиги йўлида янги амалий ташаббус ҳамда мақсадлар билан тўлдиришга хизмат қилади.

**Макс СЕЙ,**
**Малайзиянинг «Kingsley Strategic Institute» директори:**



— Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати анъанавий тарзда юксак ишонч даражаси билан ажралиб туради. Олий даражадаги мунтазам сиёсий мулоқот ва мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига эришилгани бунга ёрқин мисолдир.

Ўзбекистон Президентининг Хитойга давлат ташрифининг якунлари бўйича савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-логистика, илмий-техникавий ва минтақалараро ҳамкорлик соҳаларида мустаҳкам ҳужжатлар тўплами имзолангани қувонарлидир.

Хусусан, инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича молиявий воситаларни кенгайтириш, Тошкент шаҳрида Хитой Эксимбанкининг Марказий Осиё бўйича ҳудудий ваколатхонасини очиш ва "Ҳаво Ипак йўли" лойиҳасини биргаликда барпо этишга оид келишувлар алоҳида эътиборга моликдир.

Шубҳасиз, ташриф давомида эришилган келишувларнинг ҳаётга татбиқ этилиши икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида иқтисодий ўсишни янада оширишга хизмат қилади.

**Станислав ПРИТЧИН,**
**Россия Фанлар академиясининг Е. М. Примаков номидаги Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти катта илмий ходими:**



— Ўзбекистон Президентининг Хитойга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқалари, умуман, ўзаро ҳамкорлик жадаллиги анча тизимли ошиб бораётган бир шароитда ўтмоқда.

Бу ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларни имкон қадар диверсификация қилишга ҳамда ўзаро савдони фаоллаштириш ва сармояларни жалб этишга интилаётган Ўзбекистон манфаатларини ифодалайди. Шу муносабат билан Хитой иқтисодиётининг кўлами ва жаҳон иқтисодиётидаги етакчилигини ҳисобга олган ҳолда ушбу давлат билан ҳамкорлик энг истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, Хитойнинг ўзи учун эса Ўзбекистоннинг геосиёсий, иқтисодий ва демографик аҳамиятини инобатга олган ҳолда бу давлат билан ҳамкорлик Марказий Осиё минтақасидаги устунлардан биридир. Олий даражадаги интенсив алоқалар мунтазам равишда амалга оширилмоқда, бу эса Хитойнинг бутун Марказий Осиё минтақасига қизиқиши ва стратегик ёндашувини яна бир бор тасдиқлайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича режаларини ҳисобга олганда ушбу жабҳа мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятида энг истиқболли йўналишлардан биридир.

**Якопо ПЕПЕ,**
**Фан ва сиёсат фонди етакчи эксперти (Германия):**



— Хитой билан яхши муносабатлар бутун Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам катта аҳамиятга эга. Хитой савдо бозори, технология ва сармоя манбаи, шунингдек, муҳим ташқи сиёсат ҳамкори сифатида муҳим роль ўйнайди.

Географик яқинлик ва тобора кенгайиб бораётган инфратузилмавий ўзаро боғлиқлик Хитойнинг Ўзбекистонга, жумладан, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги ва логистика каби соҳаларга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

Пекинда етакчилар бу кўрсаткични яқин келажакда 20 миллиард долларга етказиш имконияти мавжудлиги ҳақида ўзаро фикр билдирдилар. Шунингдек, Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоялари ҳажми бир неча баробар ортди, қўшма корхоналар сони кўпаймоқда ва икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам фаоллашмоқда.

Пекиндаги музокараларда томонлар "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида Трансконтинентал транспорт ва транзит кўпригининг муҳим таркибий қисмига айланиши мақсад қилинган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини эртароқ бошлаш муҳимлигини таъкидладилар.

Германия, албатта, Ўзбекистон Президентининг нафақат қадимги Буюк Ипак йўли бўйлаб, балки Европа ва Осиё халқлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ташаббусларини олқишлайди.

Германия ва Европа Иттифоқи Ўзбекистонни мутаносиб ташқи сиёсат юритиш йўлида қўллаб-қувватлашга тайёр. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришни мамлакатингизга ва бутун Марказий Осиёга нисбатан ўз сиёсатимизни фаоллаштириш учун рағбат деб билади.

**Аҳмад ТОҲИР,**
**Мисрнинг «Ҳивор» сиёсий-ахборот тадқиқотлари маркази директори:**



— Халқаро масалалар бўйича мутахассис сифатида Ўзбекистоннинг, айниқса, сўнгги етти йилдаги тараққиётини диққат билан кузатиб боряпман.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли икки томонлама муносабатлар барча соҳа ҳамда йўналишларда мисли кўрилмаган даражага кўтарилгани менда катта таассурот қолдирди. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг ўзига хос кўп босқичли тизими, жумладан, Ҳукуматлараро қўмита, парламентлараро гуруҳ, ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари даражасидаги стратегик мулоқот, фаол гуманитар ва минтақалараро алмашинув каби механизмлар шакллантирилди.

Хитойнинг "Жэньминь жибао" газетасида чоп этилган икки давлат ҳамкорлигига бағишланган мақолани катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон — Хитой муносабатларини ривожлантириш бўйича ўз қарашларини баён қилган. Ўзбекистон етакчиси ушбу мақолада икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг муҳим вазифаларини амалга ошириш бўйича янги узоқ муддатли кун тартиби ва дастурларни ишлаб чиқишни таклиф қилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўйлайманки, Хитой билан кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ўзбекистон етакчисининг давлат ташрифи Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга туртки бўлишига ишонаман.

**Санжив ГУПТА,**
**«Kusum» компаниялар гуруҳи директори (Ҳиндистон):**



— Ўзбекистон Президентининг хорижий давлатларга сафарлари юқори амалий натижалари билан ажралиб туради. Хитойга амалга оширилган давлат ташрифи ҳам икки мамлакат ўртасида эришилган ўта муҳим қатор келишувлар билан эътиборга сазовор бўлди.

Чоршанба куни Пекин шаҳрида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Уларда ҳамкорликнинг ҳар бир жабҳаси инобатга олинган.

Масалан, транспорт коммуникациялари соҳасини олайлик. Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар мавжуд транспорт коридорларини янада ривожлантириш ва мукаммаллаштиришни талаб этмоқда. Шу маънода, Хитой — Марказий Осиё — Европа темир йўл экспресслари бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги баённома ва "Ҳаво Ипак йўли"ни биргаликда барпо этиш тўғрисидаги келишув амалий аҳамияти билан ажралиб турибди. Ушбу ғоя ва лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги транспорт алоқаларини мазмунан бойитади, Ўзбекистоннинг ушбу коммуникация занжиридаги ўрни ва аҳамиятини юксалтиради.

**«Дунё» АА.**

# ХАЛҚАРО ФОРУМ ДОИРАСИДА УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИЛДИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) томонидан ўтказилаётган "Янги Ўзбекистон: тараққиёт учун янги имкониятлар ва ижтимоий шериклик" мавзуидаги халқаро форумда иштирок этиш учун амалий ташриф билан Буюк Британияда бўлиб турибди.*

*Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги алоқаларда юқори даражадаги сиёсий ҳамда дипломатик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва маданий-гуманитар алмашинув учун салмоқли салоҳият мавжуд.*

*Шу нуқтаи назардан, ташрифнинг биринчи куни Сенат Раиси икки томонлама қатор учрашувлар ўтказди.*

## Мулоқот

### Гендер тенгликни таъминлаш борасидаги натижалар юқори баҳоланди

Буюк Британиянинг хотин-қизлар ишлари бўйича вазири Мария Колфилд билан бўлиб ўтган мулоқотда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизлар ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш борасида икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Хусусан, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оиладаги зўравонликка қарши курашиш, иқлим ўзгаришининг опа-сингилларимиз ҳаёти сифатига таъсирини камайтириш йўналишларига эътибор қаратилди.

Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, хотин-қизларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда "STEM" дастури орқали қизлар учун сифатли, арзон таълим бериш бўйича ўзаро тажриба алмашиш юзасидан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасида фикр алмашилди.

Ўз навбатида, М. Колфилд янги Ўзбекистоннинг хотин-қизларни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари стратегик аҳамиятга эга эканини таъкидлади. У сўнгги йилларда аёлларни камситишнинг барча шаклига барҳам бериш ва гендер тенгликни таъминлаш борасида эришилган натижаларни юқори баҳолади.

Учрашув якунида икки мамлакат тегишли вазирлик ва идоралари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаоллаштиришга келишиб олинди.

### Ўзаро алоқалар янада ривожлантирилади

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Лондон шаҳрида Буюк Британия парламентининг Лордлар палатаси спикери Жон Макфолл билан учрашди.

Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги сиёсий-дипломатик мулоқотни кенгайтириш, парламент дипломатиясини фаоллаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларга янги тус бериш ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш каби масалалар музокаранинг асосини ташкил этди.

Учрашув аввалида кейинги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, жамиятни янада демократлаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ривожига қаратилган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси юзасидан батафсил маълумот берилди.

Мулоқот чоғида давлатларимиз ўртасида иқтисодий шерикликни ривожлантириш устувор масала сифатида қаралиши, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш мамлакатларимиз учун манфаатли экани, бунда Ўзбекистон — Британия инвестиция форуми икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш учун самарали платформага айлангани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзаро инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасидаги алоқалар кўламини кенгайтириш, таълим, технологиялар соҳасида ҳамкорликни кучайтиришда парламентлар имкониятидан унумли фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Айни чоғда Буюк Британия ва Ўзбекистонда, умуман, жаҳонда рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда парламентлараро мулоқотни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, қонунларни қабул қилиш, парламент назоратини амалга ошириш йўналишларида тажриба алмашиш, ўзаро алоқа ва яқин муносабатларни мустаҳкамлаш учун ҳар икки давлат парламентлари аъзоларининг ташрифларини амалга ошириш, шунингдек, халқаро парламент тузилмалари доирасида конструктив ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Учрашув якунида тузилган музокара натижаларидан келиб чиқиб, ҳамкорлик бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

### Одам савдосига қарши курашиш ва Буюк Британия тажрибаси

Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева Буюк Британия Бош вазирининг Мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича махсус вакили Жастин Бедфорд билан музокара ўтказди.

Учрашувда ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги икки томонлама кун тартибидаги долзарб масалалар муҳокама этилди.

Махсус вакилга мамлакатимизда ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, янги таҳрирдаги Конституцияда қатор ижтимоий ҳуқуқлар белгилангани, мажбурий ва болалар меҳнатининг ҳар қандай кўриниши тақиқланганлиги ҳамда қулай меҳнат шароитини яратишга хизмат қиладиган Меҳнат кодексининг янги таҳрири ҳақида батафсил маълумот берилди.

Мулоқот давомида одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, мазкур йўналишдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, замонавий қулликка қарши кураш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашилди.

Британия томони 2023 йил охирида Одам савдосига қарши курашиш ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия сифатида қайта ташкил этилган Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссиянинг фаолиятини юқори баҳолади.

Учрашувда томонлар мазкур муносабатлар соҳасида янги қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш, илғор технологиялардан фойдаланиш ва соҳага инновацион услубларни жорий этиш йўналишларида ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёр эканликларини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

## Депутатлар — ҳудудларда

# ЖОЙЛАРДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА?

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб, аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказмоқда.*

*Алоҳида қайд этиш жоиз, шу ҳафта ўртасида қуйи палатадаги Экологик партия фракциясининг ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг қўшма йиғилишида депутатлар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг республикада, шу жумладан, Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборотини дастлабки тарзда кўриб чиқишган эди.*

*Халқ вакилларининг айни пайтда ҳудудларда бўлиши жойларда атмосфера ҳавоси муҳофазасига оид кўрилаётган чоралар бўйича ҳақиқий ҳолатни ўрганиш ҳамда аҳолининг фикр-мулоҳазаларини эшитиш учун қулай фурсатдир. Зеро, ушбу масала бугунги кунда ўта долзарб бўлиб, Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида масъул вазирликнинг бу бўйича ахборот бериши режалаштирилган.*

### Экологик ҳолат қай даражада?

Депутатлар Наврўзбек Юсупов, Мухтор Ҳожиматов ва бошқалар дастлаб Гидрометеорология хизмати агентлиги томонидан пойтахтимизда атмосфера ҳавоси ифлосланишини автоматик мониторинг қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Шунингдек, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунга асосан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан махсус ваколатли давлат органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилаётган ишлар Тошкент шаҳар ИВВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига борган ҳолда ўрганилди.

Учрашувлар чоғида депутатлар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг амалда риоя этилиши масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Автомототранспорт воситаларининг атмосфера ҳавосига зарарли таъсири устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш борасидаги ишлар ҳам халқ вакиллари эътиборида бўлди.

Депутатлар томонидан, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби ҳам ўрганилди.

### Ҳамкорликда ечим топилмоқда

Депутат Дурбек Аҳмедовнинг Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги сайловчилар билан мулоқотлари очиқ ва самимий руҳда ўтди.

Депутат халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши депутати Анвар Мусаев билан биргаликда ҳудуддаги "Ҳамдўст" ва "Нуробод" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоллари билан яқиндан мулоқот қилди.

Учрашув давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янги қабул қилинаётган қонунлар, Президент Фармон ва қарорларининг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Сайловчиларни ўйлантириб келаётган бир қатор масалаларга тегишли идоралар вакиллари билан биргаликда ечим топилди.

Мазкур учрашувлар давомида депутат 194-сонли умумтаълим мактабида бўлиб, муассасада ўқувчи-ёшларнинг сифатли таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Шунингдек, Учтепа туманидаги бир қатор тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан танишиб, уларга юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бизнес вакилларига яратилаётган шароитлар ҳақида кенг маълумот берди.

### Таълим олиш имконияти ва имтиёзлар

Депутат Акшагул Тўлегенованинг Навоий вилоятидаги бир қатор маҳаллалар, таълим ва тиббиёт муассасаларида бўлиб ўтган аҳоли билан мулоқотлари илк кунданоқ самарали кечди.

Дастлаб Навоий давлат педагогика институти талабалари билан учрашувда кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратилаётгани, илм-фанга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ушбу соҳада охирги олти-етти йилда улкан ўзгаришлар, янгиланишлар бўлганлиги қайд этилди.

— Бир пайтлар олийгоҳларга ўқишга кириш жуда қийин эди. Квоталар кам, қабул имтиҳонларида турли муаммолар бўларди. Сўнгги етти йилда таълим соҳаси катта ўзгаришларга юз тутди, — деди Қонунчилик палатаси депутати А. Тўлегенова. — Хусусан, билим даргоҳларининг қиёфаси тубдан ўзгариб, моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Бу, ўз навбатида, таълимнинг сифати ва даражасини оширган ҳолда, ёшлар ўртасида олий таълим олишга бўлган иштиёқни кучайтирди.

### Ўн саккиз нафар фуқаро ишли бўлди

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Кўтарма маҳалласида ишсиз ва банд бўлмаган фуқаролар, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш, уларни меҳнат бозоридаги касбларга йўналтириш мақсадида "меҳнат ярмаркаси" ташкил этилди.

Қонунчилик палатаси депутати М. Ҳусанова, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари Р. Турдибоева, тегишли ташкилот ва идоралар мутасаддилари иштирок этган тадбирда кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

— Ҳар бир инсон тайинли иш жойига эга бўлсагина, унда ўз устида ишлаш ва ҳаётдан розилик кайфияти баланд бўлади, — деди Қонунчилик палатаси депутати М. Ҳусанова. — Шу сабабли, юртимизда аҳолини касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, янги иш ўринлари яратишга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу каби ярмаркаларнинг ташкил қилиниши, шубҳасиз, ишсиз фуқароларнинг муносиб иш ўрни топишида муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ярмаркада тумандаги 55 та маҳалладан 154 нафар ишсиз фуқаро қатнашди. 38 та ташкилот ва корхонадан 327 та бўш иш ўрни таклиф этилди. Тадбир давомида 25 нафар фуқарога ишга йўлланма берилган бўлса, 18 нафар фуқаро шу куннинг ўзида ишга жойлаштирилди.

Тадбир доирасида ярмарка ташкилотчилари ҳамда мутахассислар томонидан меҳнат қонунчилиги, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан суҳбатлар ўтказилди, ёшларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ПОЙТАХТ ҲАВОСИ ҚАЧОН ЯХШИЛАНАДИ?

*Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси томонидан Экоҳаракат, Тошкент давлат транспорт университети билан ҳамкорликда жамоатчилик эшитуви ташкил этилди. Тадбир Тошкент шаҳри ҳавосининг ифлосланиши сабаблари ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда истиқболдаги вазифаларга бағишланди.*

## Эшитув

Эшитувда алоҳида қайд этилганидек, охирги йилларда мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, дарахт ва буталарни муҳофазалаш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш ва уларни сақлаб қолиш борасида тизимли чоралар кўрилаётир.

Барқарор ривожланишга қаратилган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам атроф-муҳитни, жумладан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда ҳудудларни кўкаламзорлаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган.

Иштирокчилар томонидан таъкидлаб ўтилганидек, шу каби изчил саъй-ҳаракатларга қарамасдан мамлакатимиз ҳудудларининг салмоқли қисми адирлардан иборатлиги ҳамда ҳозиргидек глобал иқлим ўзгариши шароитида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масаласи янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, сўнгги йилларда саноат ишлаб чиқариши кенгайиши, транспорт воситалари сонининг ортиши, тирбандликлар натижасида атроф-муҳитга ифлослантирувчи ташламалар ҳажми ортиб бораётгани ҳам, албатта, ташвишлидир.

Табиийки, саноатлашган ҳудудлар ҳавосининг ифлосланиши ва унинг оқибатлари жамоатчиликни бефарқ қолдираётгани йўқ. Хусусан, охирги пайтларда пойтахтимиз ҳавоси ифлосланиб, тегишли рейтингларда "қизил" кўрсаткичлар қайд этилмоқдаки, бу, ўз навбатида, жамоатчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Аниқ айтадиган бўлсак, Тошкент шаҳри атмосферасида майда дисперсли зарралар бўйича ҳаво сифатининг ёмонлиги мунтазам кузатиляпти. Бу ҳолат жамоатчилик ва пойтахт аҳолисида асосли хавотир уйғотаётир.

Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги кузатувлар "Ўзгидромет"нинг 13 та стационар пости ҳамда 2 та автоматик станциясида онлайн режимда амалга оширилмоқда. Мазкур тузилма маълумотларига кўра, кузатилаётган аксарият шаҳарларда, жумладан, Тошкент шаҳрида углерод оксиди ва углеводородлар чиқиндилари камайган, бироқ айни пайтда азот оксиди ва қаттиқ заррачалар, айниқса, микрочанг зарралари ортиб боряпти.

Иштирокчилар томонидан айтилганидек, пойтахтдаги мавжуд ноқулай экологик ва гигиеник вазият давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун ифлосланган атмосфера ҳавосининг шаҳар аҳолиси соғлиғига салбий таъсирини минималлаштириш бўйича самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш зарурлиги тўғрисидаги сигналдир.

Тадбирда сифатсиз ёнилғида ишлайдиган автотранспорт воситаларидан атмосферага чиқарилаётган ташламалар, иссиқлик ва электр станцияларида кўмир ва мазут ёқилғиларидан фойдаланиш, тартибсиз қурилиш жараёнлари, дарахтлар кесилиши ва яшил майдонлар қисқариши каби омиллар атмосфера ҳавоси ифлосланишидаги асосий сабаблар сифатида келтирилди. Мисол тариқасида Тошкент шаҳрида кунига ўртача 730 мингта транспорт воситаси ҳаракатланиши ҳамда вилоятлардан пойтахтга 160 мингдан 300 минггача транспорт кириб келаётгани келтирилди. Энг ёмони, уларнинг аксарияти паст сифатли ёнилғидан фойдаланади.

Жамоатчилик эшитуви давомида иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, хусусан, Тошкент шаҳри ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилиб, уни Ҳукуматга тақдим этишга келишиб олинди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар, пировардида кўпчилик томонидан айтилаётган: "Пойтахтимиз ҳавоси қачон яхшиланади?" деган ҳақли саволга жавоб топиш имконини беришига умид қилиб қоламиз.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА ТАЪСИРЧАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

## Ушбу йўналишдаги фаолиятда ёш депутатларнинг ўрни ва роли қандай бўлди?

*"Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат".*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида қайд этилган бу сўзлар Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати изчил ва тизимли амалга ошириб борилаётганини тасдиқлайди.*



## Сарҳисоб

Бу бежиз эмас. Чунки бугунги тезкор даврнинг ўзи ташаббускор, шижоатли, билимли йигит-қизларнинг креатив ва замонавий ғояларидан унумли фойдаланиш орқали ҳар қандай соҳани тараққий эттириш мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди. Шу сабабли, Президент ташаббуси билан парламентнинг ҳар икки палатаси ҳузурида Ёшлар парламенти сингари уникал институт ташкил қилинди. Ёшлар парламентининг мустақил фикрлайдиган, интилувчан ва дунёқараши теран аъзолари ўз тенгдошларини қонун ижодкорлиги жараёнига кенг йўналтиришда, қабул қилинаётган қонунларни навқирон авлод орасида тарғиб этишда фаоллик кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, парламент қуйи палатасида йигит-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини кучли ҳимоя қилиб келаётган яна бир бўғин — Ёшлар масалалари бўйича комиссия тузилган бўлиб, унинг аъзолари палатада кўриб чиқилаётган қонунларда эртамиз эгаларининг манфаати юқори даражада муҳофаза қилинишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг 2023 йилдаги фаолиятига оид ахбороти тингланди. Унда қайд этилганидек, комиссия ўтган йилдаги фаолиятини бир қатор муҳим йўналишларда олиб борган.

***Биринчидан***, парламентда кўрилган қонун лойиҳаларига комиссия томонидан навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари инобатга олинган таклифлар бериш амалиёти жадаллик билан ривожлантирилди.

7 нафар ёш депутатдан иборат комиссия қуйи палатада ўтган йили кўриб чиқилган ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан 80 дан зиёд асослантирилган таклифларни берди ва уларнинг аксарияти инобатга олинган. Қиёслаш учун айтиш керак, 2022 йилда тақдим қилинган таклифлар 50 дан ортиқни ташкил этганди.

Мисол учун, "Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан берилган таклифлар масъул қўмита томонидан қабул қилинди.

2024 йилдаги Давлат бюджети тақсимотини назарда тутувчи қонун лойиҳасига берилган таклиф ҳам эътибордан четда қолмади. Комиссия аъзолари муҳокамалар жараёнида вирусли гепатитнинг "С" ва "В" турларини эрта ташхислаш ва вирусга қарши махсус даволаш ишларини ташкил этиш харажатлари камайтирилаётганини кескин танқид қилиш баробарида йилига бир марта 40 ёшдан ошган беморларнинг қандли диабет ва диабетолди ҳолати скринингини ўтказиш харажатларига бюджетдан қўшимча маблағ ажратилиши бўйича таклифни илгари сурди. Натижада соғлиқни сақлаш тизимига қўшимча 25,8 млрд. сўм маблағ ажратиладиган бўлди.

***Иккинчидан***, комиссия аъзолари ҳудудларга чиққан ҳолда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси доирасида таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар ҳолати Хоразм ва Бухоро вилоятларидаги олий таълим муассасалари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Унинг натижасига кўра, аниқланган камчилик ва ҳолатларни бартараф этиш юзасидан асослантирилган таклиф ҳамда хулосалар тақдим қилинди.

Бундан ташқари, Олий таълим, фан ва инновациялар ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликларининг "Битирувчи талаба ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Унда олий таълим муассасалари талабаларининг расман ишга жойлашиши жараёнида учраб турган айрим сунъий тўсиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилиниб, битирувчи талабаларни меҳнат бозорига етук кадр сифатида тайёрлаш бўйича қатор тавсиялар илгари сурилди.

Комиссия аъзолари кенг жамоатчиликни ўйлантириб турган оғриқли масалаларнинг ҳал этилиши бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборотини тинглаш билан бир қаторда, ушбу масалаларнинг ечими бўйича оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали ўзларининг мустақил нуқтаи назарини билдириб борди. Жумладан, уларнинг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи препаратларнинг ноқонуний савдосининг олдини олиш, йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл ҳаракати қоидаларига янги тизимларни жорий этиш борасида қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган ва бошқа кўплаб таклифлари жамоатчилик томонидан қизғин муҳокамадан ўтказилди.

***Учинчидан***, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш йўналишида ҳам комиссия аъзолари фаол бўлган.

Жумладан, комиссия ташаббуси билан Ёшлар парламенти, сиёсий партияларнинг фракциялари, қўмиталар ҳамда олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ўтказилган. Янги таҳрирдаги Конституциядаги нормаларни аҳолининг кенг қатлами ўртасида тушунтиришга, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришга, қонун ижодкорлигида уларнинг ўрни ва ролини оширишга қаратилган 300 га яқин тарғибот тадбирларида 15 мингга яқин йигит-қизлар қамраб олинди.

Ҳисобот даврида хорижий давлатлар парламентларининг ёшлар тузилмалари билан ўзаро манфаатли алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган. Ёш депутатлар Корея Республикасининг Пусан, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург, Қирғиз Республикасининг Бишкек ва бошқа шаҳарларда ўтказилган онлайн ҳамда офлайн халқаро анжуманларда иқлим инқирози, халқаро терроризм каби глобал таҳдидларга қарши курашиш масалалари муҳокама қилинган турли халқаро конференция ва анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этди.

Мажлисда Қонунчилик палатасидаги Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг 2023 йилдаги фаолиятига оид ҳисоботи депутатлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Шу билан бирга, ушбу тузилманинг фаолиятини янада жадаллаштириш, келажак ворислари манфаатига мос ва хос қонунларни ишлаб чиқишдаги ташаббускорликни қўлдан бой бермаслик, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш бўйича ўринли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

## Сўз — иштирокчиларга

**Баҳром РАҲМОНАЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— Ҳисобот даврида комиссия томонидан ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган назорат-таҳлил тадбирлари самарали амалга оширилганини эътироф этиш керак.

Шу билан бирга, бу борада қилиниши зарур бўлган ишлар етарлича эканлигини қайд этмоқчиман. Айниқса, 2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида комиссия аъзолари Ёшлар кичик саноат зоналарининг фаолиятини ўрганиши зарур, деб ҳисоблайди. Яъни тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган йигит-қизларга тақдим этилаётган имкониятлар самарадорлиги ҳамда кичик саноат зоналарида ишлаш учун талабгорлар олдида қандай муаммо ва тўсиқлар мавжудлигини ўрганиш ҳамда уларни бартараф қилиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

**Шаҳноза ЖОЛДАСОВА,**
**Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси:**



— Комиссия аъзолари ҳисобот даврида қуйи палата ҳузуридаги Ёшлар парламентига сайловларни ўтказишда мувофиқлаштирувчи орган сифатида фаолият юритди. Навқирон авлод вакилларидан 150 нафар муносибнинг сайланишида сиёсий партияларда ўтказилган жараёнларда иштирок этди. Таҳлилларга кўра, битта ўринга 50 нафар ёш ўзаро рақобат қилгани йигит-қизларнинг парламент фаолиятига қизиқиши ортгани ва тарғибот-ташвиқот ишларининг мақсадли олиб борилганини кўрсатади.

Комиссия ўтган давр мобайнида мутлақо янгича тизимда фаолият юритиб, ёшлар ташкилотлари ҳамда сиёсий партияларнинг "Ёшлар қанотлари" билан яқиндан ҳамкорлик қилганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Хусусан, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тегишли ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаб, жами 20 дан ортиқ таклифлар тайёрлангани таҳсинга сазовор.

Ўз навбатида, комиссия жорий йилда ҳам йигит-қизларни парламент ҳаётига кенг жалб қилиш ва уларнинг таклифларини мунтазам олиб бориш мақсадида ёшлар ташкилотлари билан яқиндан ишлаш ҳамда уларнинг салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиши зарур.

**Шаҳноза ХОЛМАҲАМАТОВА,**
**Ёшлар масалалари бўйича комиссия аъзоси:**



— Қуйи палата мажлисида комиссиямизнинг йиллик фаолияти сарҳисоби депутатлар томонидан алоҳида иштиёқ билан кўриб чиқилди. Депутатлар ёш ҳамкасбларининг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганини, улар келажак авлод масаласига бефарқ эмасликларини ичичимдан ҳис қилдим. Бундан хулоса шуки, биз, комиссия аъзолари келгуси фаолиятимизни янада самаралироқ олиб боришимиз, ўзимизга нисбатан янада талабчанроқ бўлишимиз керак.

Ёшларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда бу борадаги парламент назоратини амалга оширишда депутатлар берган таклифларни бирма-бир кўриб чиқамиз ва жорий йилдаги фаолиятимиз иш-режасига қўшимча сифатида киритамиз.

**«Халқ сўзи».**

# АҚШДА «РИШТОН КЕРАМИКАСИ: МАРКАЗИЙ ОСИЁ КУЛОЛЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ГАВҲАРИ» НОМЛИ КЎРГАЗМА ВА ШОУ-РУМ ОЧИЛДИ

*Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси томонидан Фарғона вилоятининг Риштон тумани ҳокимлиги билан биргаликда Вашингтонда “Риштон керамикаси: Марказий Осиё кулолчилик санъатининг гавҳари” номли кўргазма ташкил қилинди, деб хабар бермоқда “Дунё” АА мухбири.*

## Эътироф

*Тадбирда америкалик таниқли санъат арбоблари, коллекционерлар, йирик бизнес, ҳукумат, сиёсий, академик, эксперт доиралари ва ОАВ вакиллари ҳамда фаол ватандошларимиз иштирок этди. Шунингдек, юқори мартабали меҳмонлар — АҚШ Президентининг махсус ёрдамчиси Николас Берлинер, ижтимоий ҳимоя ва ногиронлар бўйича маслаҳатчиси Сара Минкара, савдо вазирининг биринчи ўринбосари Мариса Лаго ва ЮСАИД раҳбарининг ўринбосари Анжали Каур ҳамда Конгресс аъзолари қатнашди.*





Кўргазманинг очилиш маросимида АҚШ Президентининг махсус ёрдамчиси Николас Берлинер Ўзбекистон асрлар давомида маданият ва тараққиёт маркази бўлиб келганини, ушбу заминда Риштон кулолчилиги каби ноёб санъат турлари шаклланганлигини таъкидлади.

Николас Берлинер Ўзбекистонда эришилаётган ижобий ўзгаришларга алоҳида тўхталар экан, бугунги кунда мамлакат минтақанинг иқтисодий катализаторига айланганини ва Марказий Осиё барқарор келажаги учун мустаҳкам пойдевор ролини бажараётганини урғулади.

“Ҳозирги кунда Ўзбекистон раҳбарияти ҳамда нафис санъат мухлиси бўлган ўзбек халқи ушбу қадимий кулолчилик мактабини нафақат авайлаб асрамоқда, балки уни жаҳон миқёсида танитмоқда. Бугунги кўргазманинг Вашингтонда ўтказилиши бунга яққол мисолдир, — деди АҚШ Президентининг махсус ёрдамчиси. — Қўшма Штатлар янги Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга содиқдир. Биз Вашингтон ва Тошкент ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат ва тенгликка асосланган дўстлик алоқаларини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга, унинг кўламини эса янада кенгайтиришга тайёрлигимизни билдирамиз”.

Савдо вазирининг биринчи ўринбосари Мариса Лаго, ўз навбатида, Америка ва Ўзбекистон ўртасида жадал тараққий этиб бораётган иқтисодий муносабатлар ривожига 2023 йил сентябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга уюштирган ташрифи ва унинг доирасида эришилган келишувлар катта туртки бўлганини қайд этди.

ЮСАИД раҳбари ўринбосари Анжали Каур ўз чиқишида азалдан кулолчилик санъатига қизиқиши сабабли ушбу кўргазмани интиқлик билан кутганини билдирди.

“Гўзал ва бетакрор Риштон кулолчилиги Америка жамоатчилиги учун янги йўналиш бўлганлиги сабабли унга қизиқиш бошқа давлатлар санъатига нисбатан ортиб бормоқда. Мисол учун, Ўзбекистон элчихонасида очилган ушбу кўргазма ва унинг доирасида ўтказилаётган маҳорат дарслари мамлакатимиз жамоатчилиги орасида катта шов-шувга сабаб бўлди”, деди у.

Тадбир доирасида, шунингдек, Ўзбекистон элчихонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатадиган кулолчилик шоуруми ҳам очилди.

Кўргазма давомида бўлиб ўтган икки томонлама музокаралар якунида Американинг “DIAMOND Inc.” компанияси ва Риштон шаҳридаги “Mingboshi Ceramic” МЧЖ ўртасида 5 миллион доллар миқдорида керамика маҳсулотларини харид қилиш ҳамда “ASU Trading LLC” ва “Exclusive Ceramic of Rishtan” МЧЖ ўртасида мамлакат штатларида керамика маҳсулотларини сотиш бўйича дистрибьюторлик шартномалари имзоланди.

Шунингдек, Риштон тумани ҳокимлиги, ЮСАИД ва “Александрия лой кооперативи” студияси ўртасида АҚШда “Риштон кулолчилик мактабини ташкил этиш” ва океанорти кулолчилик соҳаси ихлосмандларининг Риштонга сафарини уюштириш тўғрисида келишувга эришилди.

**«Дунё» АА.**
Вашингтон

# МАНТИҚСИЗ УЙДИРМАЛАР МУНОСАБАТЛАРИМИЗГА РАХНА СОЛАДИ

*Сўнгги кунларда ОАВ ва интернет глобал тармоғида тарихчи, империячи ва монархиячи Михаил Смолин томонидан янграган гўёки ўзбеклар, озарбайжонлар ва қозоқлар ҳеч қачон мавжуд бўлмагани, инқилобдан кейин бу миллатлар сунъий тарзда пайдо қилингани ҳақидаги сафсата жонажон Ватанимиз ва туркий тилли қардошларимизнинг кенг жамоатчилигини қаттиқ ларзага солди.*

## Ит ҳурар, карвон ўтар

Смолин ва у каби фикр билдирувчиларнинг хатти-ҳаракатлари, ўйлаб-ўйламай сўз айтишларини нафақат бизга нисбатан катта ҳақорат, балки Россия давлатининг мавқеига чапланган катта доғ сифатида баҳолаш мумкин. Негаки, бундай фикрлар айтиш билан дўст давлатнинг айрим фуқаролари ўз юртининг агрессия тарафдори сифатида намоён бўлишини исташаётганини кўрсатиб беради. Бундай чиқишлардан кутилаётган мақсад ҳар қанақа жиҳатдан ҳам мантиқсизликдир, аслида. Шу билан бир қаторда, бу стратегик ҳамкор давлатларнинг халқаро даражада бир-бирининг суверенитетини тан олганлиги ҳақидаги келишувларига нисбатан ишончсизликдир.

Шу ўринда ушбу ҳақоратли фикрлар бўйича савол қўядиган бўлсак, унда ўзбек, озарбайжон ва қозоқ халқлари қайси асосларга кўра ташкил этилди? Улар қайси асосларга таяниб номланди? Бу саволларнинг ўзиёқ “ясама” тарихчининг салоҳияти ҳаминқадарлигини яна бир бор очиб беради.

Агар тарихий манбаларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўзбек номи XIII асрда вужудга келганини кўришимиз мумкин. Буни Дашти Қипчоқда яшовчи қабилаларга нисбатан араб манбаларида ўзбек номи ишлатилгани тасдиқлайди.

Тарих фанлари доктори, профессор Шамсиддин Камолиддиннинг илмий тадқиқотларига кўра, XVI — XVIII асрларда Ғарбий Европада нашр этилган дунёнинг сиёсий хариталарида Ўрта Осиё ҳудудлари “Usbek” (“Usbec”, “Usbeck”, “Vsbek”), “Usbekia” (“Usbechia”), унинг айрим қисмлари эса “Usbek Bucharia”, “Usbek Bochara”, “Usbek Chowaresmia”, “Usbek Mawaralnahra”, “Usbek Turkistan”, “Usbek Turan”, “Usbek Tartaria”, “Us-bek Zagatay” сингари номлар билан аталган. “Usbeck”, “Usbekia” ва “Özbegistan” каби номлар билан аталган тарихий хариталар жами 200 дан кўп. Бу хариталар шундан далолат берадики, “Ўзбекистон” атамаси 1924 йилда руслар томонидан ўйлаб топилган эмас, у Ўрта асрларда Европанинг сиёсий ва тарихий-географик тизимида ишлатилган.

Европаликлар томонидан Ўрта Осиё минтақасининг XVI — XVIII асрларда нашр этилган хариталари ичида юнон саёҳатчиси Василио Вататзининг 1732 йилда Лондонда чоп қилинган “Каспий денгизи ва Орол денгизи харитаси” алоҳида аҳамиятга эга. Орол денгизидан бошлаб Помир тоғларига қадар ҳудудларни ўз ичига олувчи Амударё ҳавзасидаги барча ерлар харитада “OZМПЕ-ГISTAN”, яъни “Ўзбекистон мамлакати” деб кўрсатилган. Даниялик хариташунос Абрахам Мааснинг Санкт-Петербургда чизилган “Каспий денгизи ва Ўзбек мамлакати харитаси”да эса бугунги кунда мамлакатимиз жойлашган минтақа ҳудуди “Usbek”, қўлёзмасида “Usbekia” топоними билан кўрсатилган. Бу харита муаллифи Россия ҳукмдори Петр I даврида Россия Фанлар академияси Рус географик жамиятининг картографик бўлими бошлиғи сифатида хизмат қилган вақтда ишлаб чиқилган.

Тарихий хариталардаги маълумотларни ёзма манбаларда келтирилган далиллар ҳам тасдиқлайди. Масалан, сафавийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳи Таҳмасп I (1524 — 1576) Мовароуннаҳрда жойлашган Шайбонийлар давлатини “Ўзбекистон” деб атаган. 1562 йилда испан тарихчиси Гарсия да Орта Ўрта Осиёда жойлашган “Ўзбек мамлакати” ҳақида сўз юритган. XVII асрда Бухоро шаҳрида яшаб ижод қилган Турди Фароғий ўзининг ўзбек ва форс тилида битилган шеърларида ўз мамлакатини “Ўзбек юрти” ва “Ўзбекистон” деб атаган.

Ушбу илмий тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар шовинист Михаил Смолин томонидан айтилган *“ўзбеклар, қозоқлар ва озарбайжонлар ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, инқилобдан кейин Лениннинг паноҳида волюнтаристик тарзда хариталарни ўзгартиришлар бошланди, РСФР парчаланди, ундан ясама миллатлар ясалди”* деган иддаолар замири пуч эканлигини рўйирост очиб беради.

Агар шахсий фикрлар остида қадимги даврларда туркий қабилалар Сибирдан Ўрта Ер денгизигача бўлган ҳудудда яшагани ҳақидаги тарихий ҳақиқатларни сўзласак ва ҳудудий даъволарни илгари сурсак, Смолинда ҳам биз ҳозир ҳис қилаётган туйғулар уйғониши табиий. Бугун ўзаро ҳамжиҳат бўлган, бир-бирининг яхши-ёмон кунида елкадош бўлган халқлар орасига бундай тарзда нифоқ солиш ҳақиқий Ватан хоинининг хатти-ҳаракатидир, назаримизда. Бундай вазиятда рус илмий жамоатчилиги ва тарихчилари томонидан тарихий ҳақиқатларнинг асл моҳияти борича очиб берилиши ҳамда Смолин каби фикрловчиларга барча халқлар тарихи ва қадриятларини ҳурмат қилишга чақирувлар янграши керак. Нафрат туйғуларининг уйғонмаслиги учун ҳам бу иш амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Шахсий фикр ниқоби остида йирик телеканаллар орқали янграётган бу каби қарашлар ва баёнотлар халқларимизнинг аслий қадриятларига мутлақо зид бўлиб, бундай чиқишлар замирида ётган мақсадлар барчани бирдек сергак торттиради. Ишончимиз комилки, нияти соф бўлмаган кимсаларнинг бу тахлит янграган турли иғволи фикрлари Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик ҳамкорлик, дўстона муносабатлар ва ўзаро ишонч асосига қурилган мустаҳкам ришталарга дахл қила олмайди.

Айни вақтда Русь князликларини Олтин Ўрда зулмидан озод қилган буюк саркарда Амир Темур каби узоқни кўзлаб, ҳиссиётга берилмасдан, мантиққа таяниб қарор қабул қилиш барча учун манфаатли бўлади. Смолин эса Третьяковский черкови музейида сақланаётган Биби Марям иконаси тарихини чуқурроқ ўрганиб чиқса, виждони олдида қандай машаққат турганини кўпроқ англаган бўларди.

**Нодир ЖУМАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# ОРОЛ ИНҚИРОЗИ

## – ИНСОН ЭЪТИБОРСИЗЛИГИНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТИ



***Бугунги кунда кўплаб глобал муаммолар жамиятнинг барқарор ривожланишига жиддий таҳдид солмоқда. Жумладан, экологик мувозанатнинг бузилиши ва биосфера ҳолати, атроф-муҳит сифатининг ёмонлашиши инсон ҳаёти учун зарур бўлган табиий неъматларга жиддий хавф туғдирмоқда. Шу боис мамлакатимизда Оролбўйи аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилаётгани барчамизни қувонтирмоқда.***

## Нуқтаи назар

Ушбу сиёсатнинг асосий мақсади минтақадаги глобал муаммолардан бири бўлган Оролбўйи аҳолиси саломатлигини муҳофаза этиш, ҳудуддаги биохилмахилликни сақлаш ҳисобланиб, бу йўналишда денгиз инқирозидан сўнг юзага келган экологик вазиятни юмшатиш билан боғлиқ қонунлар, Фармон ва қарорлар, давлат дастурлари қабул қилинди.

2021 йилнинг 18 май куни БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг ялпи мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёев таклифига кўра, Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан маъқулланди.

Айни пайтда мазкур йўналишда Орол минтақасида қурғоқчилик давом этишининг олдини олиш, яъни Орол сатҳидан заҳарли чангларнинг ҳавога кўтарилишини тўхтатиш учун денгизнинг қуриб қолган ҳудудларини ўрмонзорга айлантириш ҳаракатлари қизғин олиб борилмоқда.

2023 йилнинг 22 — 24 март кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида тузилманинг сув масалалари бўйича ўтказилган конференциясида мамлакатимиз делегацияси аъзоси Саида Мирзиёева нутқ сўзлаб, БМТ минбаридан Орол денгизи фожиасининг оқибатлари, уларни юмшатиш бўйича Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва бу борадаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда мамлакатимизнинг етакчилиги хусусида сўз юритди.

Хусусан, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг элегиясидан бир парча (қорақалпоқ тилида) ўқиб берди:

*Таўлар шөгип, жерге кирмеген шығар,*
*Жулдызлар ҳәм бирден сөнбеген шығар.*
*Дүнья ҳеш ўақта-да көрмеген шығар:*
*Бир майданда теңиз қурып қалғанын.*

Шеърда денгизнинг кўз очиб-юмгунча саҳрога айланиши фожиаси тасвирланган. Қорақалпоғистонда одамлар ҳамон денгизни қўмсаб, қадрдонини ёд олиб йиғлаган каби фарёд чекадилар. Сувга мўл денгиз фақат Нукус музейидаги рассомларнинг яркираб, жилваланиб, ҳаёт ва эркинлик бахш этувчи расмларида қолган. У қуриб битгандагина одамлар унинг қадрига етди. Орол денгизининг инқирози инсониятнинг атроф-муҳитга эътиборсизлиги оқибатлари ҳақида даҳшатли эслатмадир. Бироқ ғамхўр одамларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли у яна умид ва янгиланиш рамзига айланмоқда. Мамлакатимиз Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларини бартараф этиш борасида изчил саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда, дея таъкидлаган эди Саида Мирзиёева.



Аҳамиятлиси, Оролбўйи минтақаси тизимини муҳофаза қилиш Конституция даражасида мустаҳкамланганлиги халқимизни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, минтақанинг ривожланиши учун барча шароит яратилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Президентининг саъй-ҳаракати билан бугун Мўйноқнинг янги қиёфаси яратилди, ҳудудга янги руҳ, жон бағишланди. Мўйноқ ҳудуди, Орол денгизининг қуриган тубида ҳам илмий инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти жамоаси томонидан истиқболли илмий изланишлар олиб борилялти.

Институтимизнинг бош мақсади, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, минтақанинг экологик муаммоларини бартараф этиш, республикамизнинг табиий, энергетика, минерал хомашё ва ўсимлик ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш бўйича истиқболли фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, илмий кадрларни тайёрлаш, фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, минтақанинг ривожланиши учун аҳамиятли бўлган халқаро лойиҳаларда иштирок қилиш ҳисобланади. Бизнинг илмий фаолиятимиз ҳам атроф-муҳитни муҳофаза этиш, барқарор ривожланишни табиий илмий ёндашув негизида таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳозирги кунда институтимиз олимлари Оролбўйи атрофидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида ва экологик муаммоларни ечиш бўйича тизимли ҳаракатларнинг иштирокчиси бўлиб, илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Бу тадқиқотлар натижасида олимларимиз Орол денгизи ва Оролбўйи табиий ҳудудлари биологик режими ўзгаришларини кўрсатувчи жуда кўп ва турли-туман, ноёб материалларни тўплади.

Айтиш жоиз, институтимизда 2023 йил 16-17 ноябрь кунлари анъанавий “Жанубий Оролбўйи биологик ресурсларини сақлаш ва самарали фойдаланиш муаммолари” деган IX халқаро илмий-амалий конференция ташкил қилинди. Конференциянинг мақсади мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишга тегишли мутахассисларни, олимларни ва аҳолининг кенг қатламини жалб қилишдир. Мазкур анжуманда мамлакатимиз ва чет давлатлар етакчи илмий муассасаларининг, олий ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари ҳамда ёш олимлар, докторантлар, тадқиқотчи-изланувчилар қатнашди.

Олимлар жанубий Оролбўйи табиий муҳитининг ҳозирги ҳолатини ўз чиқишларида тасвирлаб берди. Ердан фойдаланишда табиат муҳофазасига эътибор қаратган ҳолда бошқариш муаммолари муҳокама қилинди ҳамда ҳудуднинг табиий муҳитини яхшилаш бўйича таклифлар билдирилди.

2023 йил август ойида институтимиз олимлари Туркиянинг Эгей университетида бўлиб ўтган “Атроф-муҳитни узлуксиз мониторинг қилиш учун биологик тест моделлари” тренингида иштирок этди.

Унда дунёнинг турли мамлакатларидан келган нуфузли олимлар тупроқ қатламининг бугунги ҳолати, экологик ва экотоксикологик тадқиқотларни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида ўз фикр ва мулоҳазалари билан тажриба алмашди.

Айни чоғда институтимизда Қорақалпоғистон Республикасини барқарор ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш мақсадида минтақада содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни математик моделлаштириш ва прогнозлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётир. Аниқроқ айтганда, “Экологик жараёнларни моделлаштириш” лабораторияси ходимлари томонидан Орол денгизининг қуриган тубидан тузларнинг тарқалиши, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши муаммоларини моделлаштириш натижаларига кўра, бу муаммоларни юмшатишнинг амалда ягона чораси Орол денгизининг қуриган тубини ва сувни фитомелиорация қилиш, деган хулосага келинди. Ушбу жараён чўл ҳудудлари, шу билан бирга, чорва молларини озуқа билан таъминлаш муаммосини ҳам ҳал қилади.

Институтимизнинг таянч докторанти С. Рустамова “Қорақалпоғистон шароитида оқова сувлардаги микроскопик ва юксак сув ўсимликларини кўпайтириш ва уларни қишлоқ хўжалигида қўллаш” мавзуида тижоратлаштириш лойиҳаси бўйича тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Лойиҳада Тахиатош туманидаги “Найман” ОФЙда сув ўсимликларини сунъий кўпайтириш ва чиқинди сувлардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган.

ЎзРФА Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти геология лабораториясида яратилган Нукус шаҳри ер ости сувларининг ва ер ости сувигача жойлашган заминларнинг шўрланиш хариталари республикадаги қурилиш объектларини лойиҳалашда қўлланилаётир. Хариталар бино ва иншоотларни шўр тупроқларда ишончли ва тез лойиҳалашга имконият яратади. Бундан ташқари, Нукус шаҳрининг коллектор-дренаж тизимини реконструкциялашда ва янги дренаж тизимларини лойиҳалашда қўлланилаётган хариталар Нукус шаҳрининг кўкаламзорлаштириш тизимини яратишга ёрдам беради.

Институтнинг “Ҳайвонот экологияси” лабораторияси ходимлари томонидан жанубий Оролбўйи ботқоқли ҳудудларида 15 туркум, 37 оилага мансуб қушларнинг 138 тури аниқланди. Шундан 43 тури гидрофил, 58 тури кўчиб юрувчи ва уяли, 26 тури қишловчи, 21 тури ўтроқ, 33 тури кўчиб юрувчи ҳисобланади. Жанубий Оролбўйи учун қайд этилган 65 турдаги сут эмизувчилардан 41 тури жанубий Устюртда, жумладан, кемирувчиларнинг 28 тури, йиртқичларнинг 12 тури ва туёқлиларнинг 3 тури бошқа ҳудудларда аниқланган. Тадқиқот натижалари бўйича, Междуречье сув омборида 17 тур балиқ, Шарқий Қоратерен кўлида 11 тур балиқ, Сайкўлда 10, Ачикўлда 6 тур балиқлар яшаши аниқланди.

Шунингдек, “таълим — фан — ишлаб чиқариш” интеграцияси доирасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хулоса ўрнида айтганда, Орол денгизининг қуриши ва бошқа экологик инқирозлар инсоният олдида турган энг йирик глобал муаммодир. Бу инсониятдан табиатга ҳурмат билан муносабатда бўлишни, табиатга меҳр кўрсатишни талаб қилади.

Муҳими, бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Оролбўйи ҳудудидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш бўйича олиб борилаётган тизимли ишлар ўз самарасини бермоқда. Қилинаётган амалий ишлар Мўйноқ ва Оролбўйи ҳудудида яшовчи халқларнинг турмуш шароитининг яхшиланаётгани мисолида намоён бўлмоқда.

**Светлана МАМБЕТУЛЛАЕВА,**
**ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти директори, биология фанлари доктори, профессор.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 15 650 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.40 Топширилди — 03.25 1 2 3 4 5 6